

Тошкент кимё-технология институти Хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиги А.Н.Шернаев ҳамда институт Инновация бўлими бошлиги Н.Р.Мардоновларнинг 2022 йилнинг 13-17 июнь кунлари Туркияning Анқара шаҳридаги Остим техника университетида

Марказий Осиёда иқтисодий ўсиш секторлари учун касб-хунар таълимини ривожлантиришда хорижий ҳамкорлик истиқболлари йўналишидаги анжумандаги хизмат сафари бўйича ҳисобот



Implemented by:
giz
Deutsche Gesellschaft
für Internationale
Zusammenarbeit (GIZ) GmbH

Компаниясининг 2022 йилнинг 13-16 июнь кунлари

Туркия давлатининг Анқара шаҳрида жойлашган OSTIM техника университетида ташкил этилган “Professional Education for Economic Growth Sectors in Central Asia” (PECA) номли марказий Осиёда жойлашган давлатлар Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларининг олий техника ўқув юртлари вакиллари иштирокида марказий осиёда иқтисодий ўсиш секторлари учун касб-хунар таълимини ривожлантириш доирасида ҳалқаро матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Ушбу анжуманда марказий Осиё давлатлари орасидан Ўзбекистон номидан Тошкент кимё-технология институти вакиллари ҳам иштирок этишди. Анжуман доирасида Анқара шаҳридаги шарқий иқтисодий марказининг ишлаб чиқариш корхоналари ва ушбу корхоналардаги ишлаб чиқариш салоҳияти ҳамда соҳага оид профессионал кадрлар тайёрлаш масалалари билан танишилди.

2022 йилнинг 14 июнь куни OSTİM техника университети раҳбарияти билан делегация вакиллари учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Тошкент кимё-технология институтидан Хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштирувчи бўлим бошлиғи т.ф.ф.д.(PhD), проф. А.Н.Шернаев ҳамда Инновация бўлими бошлиғи Н.Р.Мардоновлар ва OSTIM техника университетидан университет ректори Профессор Мурат Али Юлек бошчилигига ректор маслаҳатчилари проф. Несан Сыгры, проф. Сердар Мюльдур, деканлар – муҳандислик факультети декани проф. Демирал Акбар, иқтисод ва бошқарув билимлари факультети декани проф. Мустафа Полат, архитектура ва дизайн факультети декани проф. Серхан Дагташ, профессионал училище директори Туран Шишман, трансфер технологиялариофиси директори Гоҳан Топал ва бош котиб Зеки Шимшеклар иштирок этишди.





Учрашувда ТКТИ ва OSTİM техника университети ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро англашинув меморандуми имзоланди, мсеморандум доирасида ОСТИМ техника университети билан ТКТИ ўртасида 2+2, 1+1 таълим шакллари доирасида замонавий таълим йұналишлари ва магистратура мутахассислікleri бүйича құшма таълим дастурлари бүйича кадрлар тайёрлаш бүйича шартнома ҳам имзоланди.

Учрашувдан сўнг Остим техника университетининг ўқув лабораториялари бўйича тур ташкил этилди.


Шу куни OSTİM технолпаркининг Акселерацион маркази “**INNOVA**” ва Туркуаз / Акселерационный центр **INNO:14** марказига саёҳат уюштирилди.

Учрашувда OSTİM технопарки бош директори Дерья Чаглар, OSTİM TechnoPark трансфер технологиялари мутахассиси Хандан Яй Йигит ва трансфер технологиялари оғиси директори Гохан Топал қатнашдилар.

2022 йилнинг 15 июнь куни OSTİM ишлаб чиқариш зонаси дирекцияси раҳбарлари билан учрашув ўтказилди.



Учрашувда OSTİM ишлаб чиқариш зонаси дирекцияси президенти Орхан Айдын, OSTİM ишлаб чиқариш зонаси дирекцияси директори Адем Арыджи, OSTİM Technology Inc. бош директори Бехзат Зейдан, OSTİM Investment Inc. Бош директори Абдулла Чортю, Ögr.Gör трансфер технологиялари оғиси директори Гохан Топал ўзларининг тақдимотлари билан иштирок этишди.





OSTIM саноат зонасининг соҳа ишлаб чиқариш кластерлари вакиллари билан учрашув тақдимот шаклида бўлиб ўтди:

Enerji Cluster кластери президенти Язар Челик;

OSTIM Enerji кластери координатори Бугра Пекуслу;

Қурилиш техникаси кластери эксперти Февзи Gökalp;

Тиббиёт кластери координатори Нилсу Боздемир;

Коммуникация кластер координатори Дюрали Чичек;

Резина кластери координатори Ахмет Мехмет







OSTİM ишлаб чиқариш зонаси корхоналарига саёчат уюштирилди.
Enerji Cluster кластери президенти Язар Челик
OSTIM Enerji Cluster директори Бугра Пекуслу
Қурилиш техникаси кластери эксперти Февзи Gökalp



ОСТИМ корхоналари билан танишилди: Арис Энерджи Инк., Конелсис Энерджи Инк., Симкол Электрик Трейд Лимитед Ко., Эптим Электрик Констракшн энд Трейд Лимитед Ко.



Учрашувлардан сўнг тадбир иштирокчилари Анқара шаҳрининг тарихий масканлари ва диққатга сазовор жойларига экскурсия ташкил этилди. Жумладан VII асрда барпо этилган Византия даврига оид Анқара қалъаси ҳамда шаҳарнинг замонавий қурилишлари билан танишилди.



Бўлим бошлиғи

А.Н.Шернаев